

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

“Кварц” акциядорлик жамияти  
акциядорларининг 2022 йил  
30 июндаги Умумий йиғилиши  
қарори билан  
(2022 йил 30 июндаги 2-сонли  
баённома)

**“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati**  
**Кузатув кенгаши тўғрисидаги**  
**НИЗОМ**  
**(янги таҳрир)**

**Кувасой шахри - 2022 й.**

## **Мундарижа**

- I. Умумий қоидалар.
- II. Кузатув кенгашининг ваколат доираси.
- III. Кузатув кенгашини сайлаш.
- IV. Кузатув кенгашининг раиси.
- V. Кузатув кенгашининг мажлислари ва қарорлар қабул қилиш тартиби.
- VI. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- VII. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби.
- VIII. Кузатув кенгашининг қўмиталари.
- IX. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.
- X. Кузатув кенгаши томонидан ахборотни ошкор этиш.
- XI. Яқуний қоидалар.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу “Kvarts” aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом” (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикасининг “Акцидорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2022 йил 29 марта даги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Акцидорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 марта даги 166-сон қарори, Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари, бошқа қонун ҳужжатлари ва “Kvarts” aksiyadorlik jamiyati Устави (кейинги ўринларда - Устав) асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом “Kvarts” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда – Жамият) Кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгиловчи меъёрлардан таркиб топган.

3. Кузатув кенгаши Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади ва Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва Жамият Устави билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно ҳамда Жамият Уставида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг Жамият томонидан амалга оширилишини таъминлайди.

4. Кузатув кенгаши Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

5. Кузатув кенгаши ўз фаолиятида Қонунга, Корпоратив бошқарув кодексига, Жамият Уставига, ушбу Низомга ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қиласди.

6. Акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошириш Жамиятнинг стратегик мақсади ҳисобланади.

Куйидагилар Жамият Кузатув кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- а) Жамиятнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилишини таъминлаш;
- б) Жамият ижроия органи фаолиятини ва Жамиятнинг йиллик (қисқа муддатли) бизнес-режаларининг бажарилишини назорат қилиш;
- в) Жамиятнинг ахборот очиқлигини, Жамият тўғрисидаги оммавий

ахборотнинг ишончлилиги ва холислигини ҳамда Жамият ахборот сиёсатининг амалга оширилишини назорат қилишни таъминлаш;

г) корхонада ички назорат ва хавфларни (рискларни) бошқаришнинг оқилона ва самарали тизими, шу жумладан коррупцияга ва монополияга қарши комплаенс-назорат тизими фаолияти устидан назорат;

д) акциядорларнинг дивиденд ҳуқуқлари ва Жамиятни капиталлаштириш ўртасидаги уйғунликка риоя қилган ҳолда, Жамият дивиденд сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

е) манфаатлар түқнашувини бартараф этиш;

ж) акциядорларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Кузатув кенгаши қуйидаги тамойилларга амал қилиши шарт:

а) Жамият фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборот асосида қарорлар қабул қилиш;

б) акциядорларнинг турли гурухлари манфаатларининг уйғунылигига эришиш ва Кузатув кенгаши томонидан Жамиятнинг барча акциядорлари манфаатларини кўзлаб, максимал объектив қарорлар қабул қилиш.

## **II. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ**

7. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини муентазам равишда эшишиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ҳамда умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ тўлашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил яқунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдорини белгилайди. Кузатув кенгаши

томонидан белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъқиқланади.

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувани ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;

Жамият ижро органига тўланадиган ҳақ ва мукофот миқдорини белгилаш, бунда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари “паст” ёки “қониқарсиз” деб баҳолангандек тақдирда ижро органи томонидан ўтган ҳисобот йилида тўланган мукофотни тўлиқ Жамиятга қайтариш масаласини кўриб чиқиш;

Жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ва қонунчиликда ўрнатилган миқдор доирасида ҳайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдамни кўрсатиш (олиш) шартлари ва тартибини белгилаш шунингдек ушбу тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш хуқуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;

Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш;

Жамиятни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

Жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш;

Кузатув кенгашининг тегишли масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гурухлар)ни тузиш;

жамиятда ички назоратнинг рационал ва самарали тизими, шу жумладан коррупцияга ва монополияга қарши комплаенс-назорат тизими фаолияти устидан назорат;

жамият, бошқарув ва назорат органлари аъзолари, акциядорлар, жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари, мижозлар, кредиторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар

Жамият ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ҳисобот беради. Кузатув кенгаши ҳисоботининг шакли ва мазмунига оид талаблар Жамиятнинг ички хужжати билан белгиланади.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИ САЙЛАШ**

10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари Жамият акциядорлари ҳисобланадиган ва акциядорлари ҳисобланмайдиган фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

11. Жамият Уставига мувофиқ Кузатув кенгашининг сон таркиби 9 (тўққиз) кишини ташкил этади.

12. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай, Кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ва ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

13. Кузатув кенгаши таркибида Кузатув кенгаши сон таркибининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган мустақил аъзо бўлиши зарур.

Куйидаги шахслар Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:

а) сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;

б) жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

в) жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага teng амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

г) жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

д) жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгти уч йил ичida уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка оловчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўтай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

е) давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

14. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши

томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

15. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

16. Кузатув кенгаши аъзоларига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд қонун хужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий маълумотга эга бўлиш;

б) раҳбарлик лавозимларида ёки иқтисодий ёхуд юридик йўналишда камида икки йиллик иш тажрибаси;

в) корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозори соҳасида қўшимча маълумот;

г) устав капиталида давлат улуши бўлган Жамиятдаги давлат улушкини бошқариш бўйича киритилган Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака атtestatinинг мавжудлиги, қонун хужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

17. Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

18. Жамият Бошқаруви раиси ва аъзолари Жамият Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

19. Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

20. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

21. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

22. Кузатув кенгашининг аъзоси унинг таркибидан чиқсан тақдирда, Кузатув кенгаши бошқа аъзоларининг ваколатлари тутатилмайди, Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Кузатув кенгашининг аъзолари – вафот этган, ихтиёрий равишда ўз ваколатларини топширган, шунингдек бошқа сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажариш имконига эга бўлмаган тақдирда, унинг таркибидан чиқсан ҳисобланади.

Кузатув кенгашининг аъзолари - Кузатув кенгашининг аъзосининг тегишли хужжатлар билан тасдиқланган вафот этган кунидан бошлаб, Кузатув кенгаши аъзосининг ихтиёрий равишда ўз ваколатларини топшириш тўғрисидаги аризаси Кузатув кенгаши раисига берилган куннинг эртасидан бошлаб, ёхуд Жамият томонидан Кузатув кенгаши аъзосининг ўз ваколатларини бажариш имконига эга эмаслиги тўғрисидаги хужжатлар олинган кундан бошлаб, Кузатув кенгаши таркибидан чиқсан ҳисобланадилар.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Кузатув кенгашининг фақат барча аъзоларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

23. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билан, ушбу Кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади, бунда Кузатув кенгашининг таркибидан чиққан аъзоларининг овози ҳисобга олинмайди.

24. Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлади ва Кузатув кенгашининг йиллик иш режасини тасдиқлади.

Кузатув кенгашининг иш режаси Кузатув кенгаши раисининг, Кузатув кенгаши аъзоларининг Бошқарув раисининг, тафтиш комиссияси, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган зарур ҳолларда Жамият аудиторининг таклифларига мувофиқ шакллантирилади.

Кузатув кенгашининг иш режасига таклифлар режалаштирилаётган (яrim йиллик, йиллик) давр бошланишидан 30 тақвим кунидан кечиктирмай киритилади.

Кузатув кенгашининг иш режасига таклиф қўйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- а) таклиф киритган шахс (орган) ҳақидаги маълумот;
- б) Кузатув кенгашининг муҳокамасига киритиладиган масалаларнинг таърифи;
- в) ушбу масалаларни қўйиш сабаблари;
- г) масалани кўриб чиқиши учун таклиф этилаётган муддатлар;
- д) таклиф киритган шахснинг имзоси.

25. Жамият Кузатув кенгашининг раиси:

- а) Кузатув кенгашининг ишини ташкил этади;
- б) Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;
- в) Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қиласи;
- г) Акциядорларнинг умумий йиғилишида Кузатув кенгашининг Жамиятни бошқариш бўйича фаолияти тўғрисида ҳисбот беради;
- д) Жамият номидан Бошқарув раиси ва Жамият Бошқаруви аъзолари билан шартнома имзолайди;
- е) Уставда ва ушбу Низомда назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

26. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини исталган вақтда Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

27. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

## **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

28. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгashi, Тафтиш комиссияси, Жамият Бошқаруви аъзосининг, шунингдек Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.

29. Кузатув кенгashi мажлислари оқиллик, самарадорлик ва доимийлик тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда, ўtkaziladi.

30. Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишда, Кузатув кенгашининг раиси қуйидагиларни белгилаши лозим:

мажлисни ўтказиш шакли, жойи, санаси ва вақти;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга кўйилган масалаларнинг таърифи;

Кузатув кенгашининг аъзоларига мажлисда тақдим этиладиган ахборотлар(материаллар) рўйхати.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади, бунда мажлисда мажбурий тартибда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

Жамият ижро органининг Жамиятнинг бизнес-режасини бажарилиши тўғрисидаги, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги, Жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги, Жамият асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шўъба хўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги, Жамият томонидан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларининг бажарилиши тўғрисидаги хисоботлари;

Ички аудит хизматининг хисоботи;

Тафтиш комиссияси (тафтишчи)нинг (Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosasi;

Кузатув кенgashi ҳузурида ташкил этилган Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайнловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича хulosas ва тавсиялари.

31. Кузатув кенgashi аъзоларига ўз ичига мажлиснинг санаси, вақти ва ўтказиш жойини, таклиф этилган шахслар рўйхатини ва кун тартиbidagi масалаларни киритадиган хабар Кузатув кенgashi аъзоларига тақдим этиладиган ахборотлар билан ёзма шаклда ёки бошқа қулай усул (шу жумладан, бериладиган ва қабул қилинадиган хабарларнинг бир-бiriга мослигини таъминловчи ва уларни хужжат билан тасдиқловчи почта, телеграф, телефон, электрон, факс ёки бошқа

алоқа тури) билан юборилади.

32. Кузатув кенгашининг қарори лойиҳаси ва тижорат сиридан иборат маълумотларни ўз ичига олган махфий турдаги материаллар Кузатув кенгashi мухокамасига “махфий” белгиси билан тақдим этилади.

33. Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлисими чакириш тўғрисидаги талаб Кузатув кенгashi раисига Кузатув кенгashi мажлисинг тақлиф этилаётган кун тартибини ўз ичига олган тегишли ёзма хабар юбориш воситасида қўйилади.

Кузатув кенгашининг барча аъзолари Кузатув кенгашининг мажлисими чакириш тўғрисида мажлис ўтказиш кўзда тутилган санадан 5 (беш) иш кунидан кечиктирилмасдан олдиндан хабардор бўлишлари лозим.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича материаллар Кузатув кенгashi аъзоларига мажлисни ўтказиш санасидан камида 5 (беш) календарь куни олдин юборилиши зарур. Кузатув кенгашининг мажлиси ушбу талабни қўйган шахслар мажлисга аниқ тақлиф қилинган ҳолда, ўтказилади.

34. Кузатув кенгashi мажлисига Жамият Бошқаруви раиси ва аъзолари, Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари, ички аудит хизмати аъзолари, Жамият аудитори, мажлисда қўриладиган масалалар бўйича ахборот ва материалларни тайёрлаган шахслар, Жамият ва унинг шўъба корхоналари ходимлари, бошқа шахслар тақлиф этилиши мумкин.

35. Мажлисда раислик қилувчи мажлисни ўтказиш тартибига ва регламентига риоя қилинишини, кун тартибидаги масалаларни ишчанлик ва амалий руҳда қўриб чиқилишини, уларни муҳокама қилишда Кузатув кенгashi аъзоларининг хуқуқларига риоя этилишини таъминлайди.

36. Ҳар бир масала қўриб чиқилгандан сўнг, раислик қилувчи овоз бериш натижаларини маълум қиласди ва масала бўйича қабул қилинган қарорни эълон қиласди.

37. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисими ўтказиш учун кворум Жамият Уставига мувофиқ Жамият Кузатув кенгashiга сайланган аъзолар сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил этади.

38. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

39. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

40. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

41. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

42. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

а) Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартеришлар киритиши тўғрисида;

б) Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш тўғрисида;

в) Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш тўғрисида;

г) Жамият томонидан аффилланган шахслар билан битим тузиш тўғрисида.

43. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра Акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

44. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

а) мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

б) мажлисни ўтказиш шакли (очик, сиртқи);

в) мажлисда, шу жумладан масофадан туриб иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари;

г) мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

д) мажлиснинг кун тартиби;

е) овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

ж) қабул қилинган қарорлар.

45. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

46. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларида Жамият Кузатув кенгаши мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаган тақдирда, қарорлар сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

47. Сиртдан овоз беришни ўтказиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши раиси томонидан қабул қилинади.

48. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Кузатув кенгашининг фақат очик шаклда ўтказиладиган мажлисларида қабул қилинади:

а) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам

равишида эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат мухити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиқсан ҳолда, Жамиятни 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, маҳсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни кенг кўллаган ҳолда, ишлаб чиқишни ташкил этиш;

в) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилган шахслар томонидан чақирилган ҳоллар бундан мустасно;

г) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битим тузиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилланган шахслар билан битим тузиши тўғрисида қарор қабул қилиш.

49. Жамият Кузатув кенгаши аъзосида Жамият Кузатув кенгаши мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаган ва унда видеоконференцалоқа режимида қатнашиш учун зарур техник воситалар мавжуд бўлган тақдирда, Кузатув кенгаши аъзоси Кузатув кенгаши мажлисида масофадан туриб қатнашиши мумкин.

50. Масофадан туриб Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзосининг овоз бериши электрон бюллетенинни тўлдириш, уни электрон рақами имзо билан тасдиқлаш ва электрон почта орқали корпоратив маслаҳатчи (иш юритиш учун масъул Кузатув кенгаши аъзоси)га юбориш йўли билан амалга оширилади.

51. Масофадан туриб мажлисда қатнашган Кузатув кенгаши аъзоси иштирокидаги баённомани расмийлаштиришда, Кузатув кенгашининг мажлисида қатнашган аъзолари томонидан имзоланган баённомага Кузатув кенгаши аъзосининг ушбу Низомда белгиланган тартибга асосан расмийлаштирилган бюллетени илова қилинади.

52. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамият ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамият ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўtkaziladigan куни топширилади.

53. Корпоратив маслаҳатчи (иш юритиш учун масъул Кузатув кенгаши аъзоси) Жамият Кузатув кенгашининг котиби вазифасини бажаради.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

54. Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуqlarini амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишлари, ўз ҳуқуqlarini амалга оширишлари ва Жамиятга нисбатан мажбуриятларини вижданан ва оқилона бажаришлари, унга маълум бўлган маҳфий ахборотни ва

тижорат сирини ташкил этувчи Жамият ҳужжатларини ошкор этмасликлари зарур.

55. Кузатув кенгаши аъзолари ижроия органи, назорат органлари ва Жамият акциядорлари ўртасида ўзаро ишонч, хурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

56. Кузатув кенгашининг аъзолари қўйидаги хукуқларга эга:

а) Кузатув кенгашининг мажлисларида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама этилаётган ҳар бир масала бўйича сўзга чиқиш;

б) Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

в) Жамият Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш;

г) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиришни талаб қилиш;

д) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни талаб қилиш;

е) Кузатув кенгаши томонидан дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан, шунингдек Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсиялар тайёрлашда таклифлар киритиш;

ж) Жамият фаолиятининг устивор йўналишларини белгилаш, Жамият фаолиятини такомиллаштириш, Жамият Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш, Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

з) ҳақ ва (ёки) Кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари учун тўлов олиш.

Кузатув кенгаши аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга эга бўлиши мумкин.

57. Жамият Кузатув кенгаши Жамият Бошқарув раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда муддатидан илгари тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

Жамият Кузатув кенгаши Жамият Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли Жамиятга заарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хукуқига эга.

58. Кузатув кенгаши аъзолари қўйидаги мажбуриятларга эга:

а) ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва ҳалол бажариш;

б) ҳар чоракда Жамият Бошқаруви раисининг Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисботини эшлиш;

в) Жамият Бошқаруви раисининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ҳисботини мунтазам эшлиш;

- г) ҳар чоракда ички аудит хизматининг ҳисоботини эшитиш;
- д) ҳар чоракда Жамият Тафтиш комиссиясининг Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хуносасини кўриб чиқиш;
- е) Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш;
- ж) Жамият билан битим тузишида аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда, ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни ўз вақтида хабардор этиш;
- з) жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатига риоя қилиш;
- и) жамиятнинг монополияга қарши сиёсатига риоя қилиш;
- к) жамиятнинг назорат органлари, Ижроия органи, жамият мансабдор шахслари ва ходимлари билан тўғри хулқ-атвори, коррупция ва пораҳурликка қарши курашни назарда тутувчи жамиятнинг Корпоратив ахлоқ кодексига риоя қилиш;
- л) жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар, шунингдек, уларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларини ошкор қилишда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича чоралар кўриш.

Кузатув кенгаши аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

59. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ахборотларни Кузатув кенгаши, Жамият Тафтиш комиссияси ва аудитори эътиборига етказишлари шарт:

- а) мустақил равища ёки ўз аффилланган шахси билан биргаликда йигирма ёки ундан кўп фоиз овоз берувчи акциялари(улушлари, пайлари)га эгалик қиласидаги юридик шахслар тўғрисида;
- б) бошқарув органларида ўзлари лавозим эгаллаб турган юридик шахслар тўғрисида;
- в) ўзлари манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган, уларга маълум тузилаётган ёки кўзда тутилаётган битимлар тўғрисида.

60. Жамиятнинг аффилланган шахси ҳисобланадиган Кузатув кенгашининг аъзоси Жамиятнинг Кузатув кенгаши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш хукуқига эга эмас.

61. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Конунда белгиланган тартибда аффилланган шахс билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

62. Кузатув кенгаши аъзолари шахсий манфаатлари учун Кузатув кенгашининг у ёки бу қарорларни қабул қилишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш хукуқига эга эмас.

63. Кузатув кенгаши аъзолари Жамиятнинг имкониятлари (мулкий ёки номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот) дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

64. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мансаб вазифаларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари учун улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириши шарт.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

65. Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

66. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ микдори Жамият фаолиятининг молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлиқ бўлади.

67. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва тўловларнинг микдорлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

68. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Kvarts” aksiyadorlik jam’iyatining бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси аъзоларини рағбатлантириш” Тартибига мувофиқ амалга оширилади.

## **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ ҚЎМИТАЛАРИ**

69. Кузатув кенгаши асосли ва самарали қарорлар қабул қилинишини таъминлаш мақсадида доимий иш юритувчи қўмиталар ташкил этади.

70. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалаларни олдиндан ҳар тарафлама уларнинг фаолият йўналишлари бўйича ўрганиш ва Кузатув кенгаши учун тавсиялар тайёрлаш қўмиталарнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

71. Кузатув кенгашининг қўмиталари Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган қўмиталар тўғрисидаги низомларга мувофиқ шакллантирилади ва иш юритади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, Жамият Уставига, унинг бошқарув органлари қарорларига амал қиласди.

72. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиши ва Кузатув кенгашига тавсияларни тайёрлаш учун қуйидаги масалалар бўйича Кузатув кенгашининг қўмиталари ташкил этилади:

- стратегия ва инвестициялар қўмитаси;
- аудит бўйича қўмита;
- тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси;
- коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси.

Қўмиталар таркиби Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда қўмиталар ишига Жамият ижро органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва ташки экспертлар жалб этилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси унинг мустақил аъзолари орасидан тайинланади ва мазкур қўмитага корхонанинг трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини доимий бошқариш вазифалари юклатилади.

Кузатув кенгаси томонидан бошқа масалалар бўйича қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

73. Жамият фаолиятининг алоҳида йўналишларини ва лойиҳаларини ўрганиш учун Кузатув кенгашининг алоҳида комиссиялари (ишчи гуруҳлари) ташкил этилиши мумкин.

## **IX. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

74. Кузатув кенгаси аъзолари ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари ва белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари зарур.

75. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

76. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаси аъзолари жавобгар бўлмайди.

77. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Кузатув кенгаси аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

## **X. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ**

78. Кузатув кенгаси раиси ёки у томонидан ваколат берилган Кузатув кенгаси аъзоси Кузатув кенгаси томонидан қабул қилинган қарорларни расмий шарҳлашга, шунингдек Жамият Кузатув кенгаси мажлисларида кўрилган масалалар бўйича, Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирини ҳамда бошқа маҳфий ахборотни ташкил этувчи ахборотларни ошкор этиш бўйича чекловларни ҳисобга олган ҳолда, Кузатув кенгашининг нуқтаи назарини (интервью, оммавий тадбирлар, телефон орқали уюштирилган конференциялар ва ҳоказоларда) ифодалашга ҳақли.

79. Кузатув кенгаси аъзолари Кузатув кенгаси мажлисларида кўрилган масалалар ва Кузатув кенгаси томонидан қабул қилинган қарорлар бўйича ўз нуқтаи назарини оқиллик ва масъулиятни ҳис этиш тамойилларига амал қилган ҳолда, шунингдек Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирини ҳамда бошқа маҳфий ахборотни ташкил этувчи ахборотларни ошкор этиш бўйича чекловларни ҳисобга олган ҳолда, оммавий ифодалашга ҳақли.

80. Жамиятнинг корпоратив сайтида Кузатув кенгашининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, шу жумладан:

- а) Кузатув кенгашининг таркиби;
- б) «Кузатув кенгаси тўғрисидаги Низом», шунингдек унга киритилган

ўзгартериш ва қўшимчалар;

в) Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар, Жамиятнинг тижорат сирини ва бошқа махфий ахборотни ташкил этадиган масалалар бундан мустасно.

г) Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисоботлари;

д) Кузатув кенгаши қошидаги қўмиталар таркиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот;

е) қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборотлар.

## **XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

81. Ушбу Низом Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради. Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Низомни тасдиқлаш бўйича қарори умумий йиғилишда ҳозир бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

82. Ушбу Низомга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартериш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартериш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Низомга киритилган ўзгартериш ва (ёки) қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Низомга ўзгартериш ва (ёки) қўшимчаларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

83. Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартеришлар киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.

“Kvarts” AJ Бошқарув раиси



А.И.Буриев